“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ташаббускор Раджабов Элёр Мустафаевич

____________
(имзо)
«___»_____________ 2020 й.

# БИЗНЕС РЕЖА

## КОВРАК (Ферула) доиривор ўсимлигини етиштириш ва тадбикорлик фаолиятини ривожлантириш лойихаси

САМАРҚАНД – 2020

# ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

| | |
|---|---|
| **Лойиханинг кискача мазмуни:** | *Коврак (Ферула) доривор ўсимлигини етиштириш ва тадбикорлик фаолиятини ривожлантириш лойихаси* |
| **Лойиха ташаббускори:** | **Раджабов Элёр Мустафаевич** |
| **Ташаббускор манзили:** | *Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани,* |
| **Фермер хўжалиги реквизитлари** | |
| **Банк** | |
| **Ҳисоб рақам** | |
| **МФО** | |
| **СТИР** (ИНН) | |
| **Лойиха суммаси** | |
| **Шахсий маблағ иштироки 100%** | ***60 000 000*** |
| **Кредит суммаси** | |
| **Кредит шартлари:** | |
| **Кредит муддати** | |
| **Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси** | |
| **Кредитнинг имтиёзли муддати** | |
| **Умумий йиллик тушум хажми** | **1 йилда – 0 сум**<br>**2 йилда –245 000 000 сум**<br>**3 йилда –269 500 000 сум** |
| **Лойиханинг самарадорлик курсаткичлари** | |
| **Соф фойда** | **1 йилда –0 сум**<br>**2 йилда – 111385472 сум**<br>**3 йилда – 122524019 сум** |
| **Лойиханинг биринчи йилида соф рентабеллиги ялпи фойда хисобидан** | ***45%*** |
| **Лойиханинг тула узини оклаш муддати** | ***30 ой*** |
| **Яратиладиган янги иш ўринлари сони** | ***7 та*** |

# КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига ***“Бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”***дек олий мақсадни кузлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар қаторига қушилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли, 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли қарорларини келтиришимиз мумкин.

Кузланган masсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат бўлган ***“Ўзбек модели”*** асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “**Ҳаракатлар страрегияси**” (Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар)ни барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олиниши, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари мустақилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Хаттоки, Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан давлатимизда ижтимоий сиёсатни кузлаб, йилларнинг алохида номланиши, “Инсон манфаатлари йил” (1997 йил), ”Оила йили” (1998 йил), “Соғлом авлод йили” (1999

йил), “Аёллар йили” (2000 йил), “Она ва бола йили” (2001 йил), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002 йил), ”Обод махалла йили” (2003 йил), “Мехр ва мурувват йили” (2004 йил), “Сихат саломатлик йили” (2005 йил), “Хомийлар ва шифокорлар йили” (2006 йил), ”Ижтимоий ҳимоя йили” (2007 йил), “Ёшлар йили” (2008), “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” (2009), “Баркамол авлод йили” (2010 йил), “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес йили” (2011 йил),“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” (2017 йил) ва 2018-йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” деб номланиши, йилларнинг алоҳида номланиши орқали махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан қишлок жойларда намунали уй-жойлар, йуллар, кўприклар, камолот уйлари, шаҳарларда шаҳар аҳолиси учун арзон кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши, ахолини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг нақадар тўғри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан кўриб ўз мамлакатларида қуллаётганлиги, бунинг яққол далилидир.

Дунёнинг кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бойликни янада кўпайтириш, асраб-авайлаш, ўзини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз хиссасини қўшади. Энг мухими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда ҳимоялаш учун астойдил жон куйдиради. Ишлаб чиқариш соҳаси хам бошқа барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонларга суянгандагина тараққий этади.

Энг мухими, бу амалга ошрилаётган ишлар бир-бирини тўлдириб, Ўзбекистон давлати мустакилликка эришгач ўз олдига куйган олий мақсад яъни ***“Бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”*** борасида узоқни кўзлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, баркарорлигини ва тараққиётини таъминламоқда.

# ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ

Ушбу бўлимда лойиха ҳақида батафсил тухталиб утилади. Жумладан, лойиҳанинг самарадорлиги, танланишининг асосий сабаблари ва параметрлари, кўзланган мақсадлар асосланиб ташкилотчилар ва лойиҳанинг қисқача мазмуни ҳақида маълумот берилади.

Ўзбекистон Республикасининг, хусусан Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасидан бири балиқчилик ва доривор ўсимликлари етиштириш фаолияти кенг тус олиб, ривожланиб келаётган тармоқлардан биридир. Тадбиркор томонидан бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда доривор ўсимликлар етиштириш фаолияти учун доривор ўсимликларнинг уруғлари сотиб олиш уларни кўпайтириш, Коврак (фурула) маҳсулотларини етиштириб бериш фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Аҳоли талабини ўрганиб чиқиб, ушбу хизмат турига бўлган талабни имкон қадар қондириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаолиятини ривожлантириш хамда кенгайтириш учун ушбу лойиҳа ишлаб чиқилди.

Тадбиркор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва аҳоли сонининг ортиб бориши сабаб аҳолининг ушбу хизмат турига бўлган эхтиёжининг кучайиб бораётганлиги аниқланган. Мавжуд талабдан келиб чиққан холда аҳолини талаби даражасидаги сифатли доривор ўсимлик маҳсулотларини етиштириб бериш ва доривор ўсимликларни кўпайтириш кўзда тутилган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ушбу маҳсулот турларига бўлган эхтиёж кундан-кун ортиб бормоқда. Ҳудуддаги ушбу талабни қондириш ва фаолиятини кенгайтириш мақсадида тадбиркор асосий эътиборни юқори сифатли доривор ўсимликлар етиштириб бериш хизматларини бошқа тадбиркор ва фермерларга нисбатан пастроқ устама бахоларни қўллаш эвазига ва бошқа шу каби омилларни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Лойиҳа жами қиймати ***60 000 000*** сўмга тенг миқдордаги ободонлаштириш, уруғликларни харид қилишни кўзда тутади.

Лойиҳа уч босқичда амалга оширилиши кузда тутилган:

**<u>1 БОСҚИЧ – Тайёргарлик ишларининг ташкил этилиши</u>**

**Вақт оралиғи:** 1 ой. **Қилинадиган ишлар:** Ажратилаетган ер майдонини ҳужжатларини тайёрлаш, фаолиятни кенгайтириш ва ривожлантиришнинг

иқтисодий асоси ҳисобланган бизнес – режани ишлаб чиқиш ва ажратилган ер майдонини ўзлаштириш учун зарурий бўлган бошқа тайёргарлик ишларини амалга ошириш.

**2 БОСҚИЧ: Ер майдонини ўзлаштириш.**

**Вақт оралиғи:** 1 ой

**Қилинадиган ишлар:** Ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу ер майдонида амалга оширилиши кузда тутилган ишларни тўлиқ амалга ошириш. Маҳсулот етказиб берувчиларни аниқлаш ва жиҳозлаб иш фаолиятини ташкил этиш. Режалаштирилаётган фаолиятни тўлиқ ишга туширилиши учун барча имкониятларни яратиш.

**3 БОСҚИЧ: Нормал иш фаолиятининг йулга қуйилиши.**

**Қилинадиган ишлар:**Тўлиқ тижорат фаолиятини йўлга қўйилиши ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолиятидан катта даромад олиш учун узлуксиз иш фаолияти билан шуғулланиб, ўн беш йил узлуксиз тўлақонли фаолият юритиш ва янги иш ўринлар яратиш.

## ЛОЙИҲАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ

Маълумки фермер хужалиги фаолиятининг, хусусан ахолига доривор ўсимлик махсулотлари етказиб бериш фаолияти муваффақиятли амалга ошиши кўп жиҳатдан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг яхшилиги ва турмуш фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли турмуш фаровонлиги эса Республиканинг, хусусан минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг халк хўжалиги тармоғида аҳолига Каварак (ферула) етиштириб беришда етакчи уринларни эгаллайди. Республикамизнинг иқтисодиётида Самарқанд вилоятининг хам улуши салмоқлидир.

Тадбиркор томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган талаб ошиб бораётганлиги, бугунги кунда мазкур маҳсулот турига бўлган талаб юқорилиги аникланди ва тадбиркор мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолини талаби даражасидаги сифатли доривор ўсимликларини етказиб беришни ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қуйди.

**БОЗОР ТАЛАБИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.**

Потенциал талаб сифатида аҳолининг Каврак(ферула)га бўлган мижозларнинг талабига айтилади. Ушбу маҳсулотларга эхтиёж ва талабнинг юқори булиши худуддаги ижтимоий аҳволнинг яхшиланиб бориши ва аҳоли даромадларининг ўсишига боғлик бўлиб, бугунги кунда арзон нархли ва сифатли Каврак(ферула) маҳсулотларига ахолида талаб катта.

**Потенциал талабга қўйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказади:**

1) Бозорда таклифнинг талабдан кам булиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг ҳаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кутарилишига, аҳолининг дефицитига айланган маҳсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.

2) Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.

3) Ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.

4) Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

5) Юқоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иқтисодий танглик ва мафкуравий узгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик узгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар хам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

**SWOT ТАХЛИЛИ**

**Жадвал № 1. Ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омиллар тахлили**

| Афзалликлар (Strengths) | Заифликлар (Weaknesses) |
|---|---|
| ✓ Нархнинг нисбатан пастлиги.<br>✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик<br>✓ Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ | ✓ Ташқи омилларга таъсирчанлик<br>✓ Мижозларнинг ишончини ва хизмат кўрсатиш куникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар |

| | |
|---|---|
| имтиёзларининг мавжудлиги<br>✓ Рақобатбардошлилик<br>✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик. | ✓ Дастлабки босқичда қаттиқ рақобатга таъсирчанлик |
| **Имкониятлар (Opportunities)** | **Тусиклар (Treats)** |
| ✓ Четдан қўшимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги<br>✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва кўпайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к. | ✓ Юзага келиши мумкин бўлган ғирром рақобат<br>✓ Дастлабки вақтда хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.<br>✓ Ва. х. к.. |

# ИШЧИ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖ

**ИШЧИ РЕСУРСЛАРИ ЭХТИЁЖИ**

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 7 нафарни ташкил қилади. Шундан 1 та раҳбар, 1 та хисобчи, 4 та ишчи ва 1 та қоровулдан иборат. Ишчиларининг иш вакти 8 соатлик ҳафтасига 7 иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 17:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вақти ҳисобида бўлади.

Ишчи кучи учун тўланадиган иш ҳақи бир ойда 7 кишига 7 000 000 сумни ташкил килади.

**ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГО РЕСУРСЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ**

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Истиқлол МФЙ Оқсилот қишлоғи ҳудудида лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу ҳудудда лойиҳа учун барча шароитлар мавжуд. Бундан ташқари ушбу марказ шахар инфратузилмасига яқин жойлашган ва автомобил транспорти воситалари қатнови йўлга қўйилган. Бунда коммунал харажатлари ўртача ойлик 203 800 сўмни ташкил қилади.

**СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА ЙИҒИМЛАР**

Лойихага асосан солиқ тўловлари асосан икки турда бўлиб, бири ишчилар иш ҳақидан солиқ туловлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик учун ягона солиқ туловидан иборат. Барча солиқ туловларининг ҳисоби молиявий булимда келтирилган.

# ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

## ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 2. Умуминвестицион харажатлар (лойиха сметаси)**

| № | Номланиши | Ўл.бир. | Сони | Нархи | Жами қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ободонлаштириш харажатлари | Комп | 1 | 25 000 000 | 25 000 000 |
| 2 | Қоврак (Ферула) | Кг | 60 | 30 000 | 1 800 000 |
| | ***Жами:*** | | | | ***60 000 000*** |

## ЛОЙИҲА ОЛДИ ҲАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 3.**

| Инвестцион фаолият олди молиявий харажатлари | | | |
|---|---|---|---|
| **Молиявий харажат тури** | **%** | **Хисоб базаси** | **Суммаси** |
| Руйхатга олиш тўлови (нотариус) | х | 60 000 000 | 2 230 000 |
| Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари | % | 60 000 000 | 669 000 |
| Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар | % | 60 000 000 | 1 115 000 |
| **ЖАМИ** | **Х** | | **4 014 000** |

## ХОМ АШЁ ҲАРАЖАТЛАР

**Жадвал №4. Хом ашё хисоби.**

| № | Номланиши | Ўл. бир | сони | Нархи | 1 ойда |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ем маҳсулотлари | Кг | 3 500 | 4 200 | 14 700 000 |
| 5 | Дори воситалари харажати | х | 2 | 550 000 | 1 100 000 |
| 6 | Бошқа қўшимча ҳаражатлар | х | 1 | 4 700 000 | 4 700 000 |
| | **Жами:** | | | | **20 500 000** |

## ИШ ҲАҚҚИ ХИСОБИ

**Жадвал № 6.**

| | Лавозими | Сони | Ойлик иш хаки | Умумий иш хақи | Йиллик иш хаки (12 ой) | 12 % даромад солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.1. МАЪМУРИЯТ | | | | | | |
| 1 | **Корхона раҳбари** | 1 | 1 200 000 | 1 200 000 | 14 400 000 | 1 728 000 |
| 2 | **Хисобчи** | 1 | 1 000 000 | 1 000 000 | 12 000 000 | 1 440 000 |
| | ***Маъмурият жами:*** | ***2*** | ***2 200 000*** | ***2 200 000*** | ***26 400 000*** | ***3 168 000*** |
| 1.2. ИШЧИ ХИЗМАТЧИЛАР | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **3** | **Ишчилар** | 4 | 800 000 | 3 200 000 | 38 400 000 | 4 608 000 |
| **4** | **Қоровул** | 1 | 800 000 | 1 600 000 | 19 200 000 | 2 304 000 |
| **Ишчи хизматчилар жами:** | | **5** | **1 600 000** | **4 800 000** | **57 600 000** | **6 912 000** |
| **Жами:** | | **7** | **3 800 000** | **7 000 000** | **84 000 000** | **10 080 000** |

## КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР ХИСОБИ

**Жадвал № 7.Коммунал ҳаражатлар**

| № | Номланиши | Ўл. бир | Сони | Нархи | 1 ойда | 1 йилда |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ичимлик суви | Куб м. | 30 | 1 000 | 30 000 | 360 000 |
| 2 | Электр энергияси | Квт | 110 | 1580 | 173 800 | 2 085 600 |
| | **Жами:** | | | | **203 800** | **2 445 600** |

## КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ

**Жадвал № 8. Ойлик ишлаб чиқариш хажми**

| Т/р | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Ишлаб чикариш хажми | | | Сотилиши 1 ойда ( Сўм ) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 кунда (дона ) | 1 ойда (дона ) | 1 йилда (дона ) | Миқдори | Нархи (сум ) | Жами суммаси (сум ) |
| **1** | Коврак (Ферула) | Кг | 0 | 0 | 1 000 | 1 000 | 40 000 | 40 000 000 |
| | **Жами:** | | | | | | | **333 000 000** |

Биринчи йилда корхона парранда ва балиқ гушти етиштириш эвазига **333 000 000** сўм миқдорида даромад қилишни режалаштирилган.

**Жадвал № 9**

| Т/р | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Ишлаб чикариш хажми | | | Сотилиши 1 ойда ( Сўм ) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 кунда (дона ) | 1 ойда (дона ) | 1 йилда (дона ) | Миқдори | Нархи (сум ) | Жами суммаси (сум ) |
| **1** | Коврак (Ферула) | Кг | 0 | 0 | 1 000 | 1 000 | 1 000 | 1000000 |
| | **Жами:** | | | | | | | **12 100 000** |

Биринчи йилда корхона Коврак (Ферула) доривор ўсимлигини етиштириш таннархи

**284 025 000** сўмни ташкил этади

## ЖАМИ ҲАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

**Жадвал № 9. Комплекс ҳаражатлар.**

| **№** | **Номланиши** | **1-йилда** | **2-йилда** | **3-йилда** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Хом ашё | 12100000 | 13310000 | 15306500 |
| 2 | Транспорт харажатлари (Ташиш учун ёқилғи) | 5 000 000 | 5 500 000 | 6 325 000 |
| 3 | Маош харажатлари | 84 000 000 | 92400000 | 106260000 |
| 4 | Коммунал тўловлари харажатлари | 2 445 600 | 2 690 160 | 3 093 684 |
| | **Жами:** | **103 545 600** | **113 900 160** | **130 985 184** |

Ташаббускор **Раджабов Элёр Мустафаевич** парранда ва балиқ гушти етиштириш учун биринчи йилда жами **103 545 600** сарфлашни режалаштирган бўлса, нарх ўсишини тахмин қилган ҳолда бу кўрсаткич 3-йилда **130 985 184** сўмни ташкил этади.

**Тадбиркор Раджабов Элёр Мустафаевич** Коврак (Ферула) доривор ўсимлигини етиштириб, бу маҳсулотларни сотишдан иккинчи йилда жами **111385472** сўм, 5-йилда эса **131614274** сўм соф фойда кўришни режалаштирган. Режага кўра жами етти йиллик соф йойда миқдори **177649347** сўмни ташкил этади

# ХУЛОСА

Даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни курсатмокдаги лойиханинг соф рентабеллик даражаси ялпи хисобда уртача **45 %** ни ташкил килмокда.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни хисобга олиб лойиха тижорий самарадор ва барқарор деб бахоланади ва мулжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тула мос келади ва ривожланиш, тараккий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, худуднинг иктисодий – ижтимоий усиши ва баркарорлигига уз хиссасини кушади.

Барча келтирилган маълумотлар ва хисоб – китобларни урганиб чикиб Тадбиркор **Раджабов Элёр Мустафаевич** доривор ўсимликлар етиштириш фаолиятини ташкил этиш максадида 10,0 га хажмдаги ер мадонини ўзлаштиришга қарор қилади ва бу ер мадонидан мақсадли фойдаланиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**Тадбиркор: Раджабов Элёр Мустафаевич**

**(имзо) ______________ сана «____» _______________2020 й.**

**М.Ў.**